Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 3-sentabr. Shanba ● 109 (31.385) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил мобайнида қарийб 3,4 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсгани, аҳолининг ялпи даромади тахминан 9 марта ошгани бизнинг мустақиллик йилларида қандай улкан марраларни қўлга киритганимизни намоён этади.

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбари Ислом Каримов номига хорижий мамлакатлар, ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда сиёсат ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда. Мазкур табрикномаларда улар қизғин муборакбод сўзларини изҳор этиб, Юртбошимизга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларини йўллаганлар.

Франция Республикаси Президенти Николя Саркози йўллаган табрик мактубида шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари!

Бу йил ўз мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаётган Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий қутловларимни ҳамда мамлакатингиз ва халқингизга бахт-саодат, тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган истакларимни изҳор этиш шарафига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Сиз эълон қилган ва яқин йиллар ичида амалга оширилиши мўлжалланган мамлакатингизни модернизация қилиш ва демократлаштириш дастури билан қизиқиб танишиб чиқдим. Уни рўёбга чиқариш йўлида муваффақият тилайман. Франция тараққиёт агентлиги Ўзбекистондаги бир қатор лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этишга қарор қилгани ҳар томонлама ва самарали ҳамкорлигимизга янги суръат бағишлайди. Шунингдек, икки томонлама маданий ва илмий алоқаларни, жумладан, мамлакатингизда фаолият юритаётган институтлар ёрдамида янада мустаҳкамлаш истагини ҳам билдирмоқчиман.

Тошкентда яқин орада Европа Иттифоқи доимий ваколатхонасининг очилиши Ўзбекистон билан унинг Европадаги шериклари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Биз ҳуқуқий давлат барпо этиш, адлия ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш каби соҳаларда ҳам тажриба алмашишни давом эттиришимизни истардим.

Фурсатдан фойдаланиб, халқаро коалициянинг Афғонистондаги операциялари доирасида Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги ҳамда мамлакатингизнинг минтақани ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор этмоқчиман. Ўзбекистоннинг мазкур йўналишда кўраётган чора-тадбирлари Ўрта Осиёдаги лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Сўнгги минтақавий кризис жараёнида Ўзбекистон намоён этган вазмин позиция барқарорликнинг мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этди.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Николя САРКОЗИ,
Франция Республикаси Президенти

✧ ✧ ✧

Қуйидагилар ҳам ўз табрикномаларини йўллашган:

Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти — **Жозе Мануэль БАРРОЗО**
Бельгияликлар Қироли — **АЛЬБЕРТ II**
Нидерландия Қироличаси — **БЕАТРИКС**
Швейцария Конфедерацияси Президенти — **Мишлин КАЛЬМИ-РЕЙ**
Греция Республикаси Президенти — **Каролос ПАПУЛИАС**
Словакия Республикаси Президенти — **Иван ГАШПАРОВИЧ**
Люксембург Буюк Герцоглиги Бош вазири — **Жан-Клод ЮНКЕР**
Қатар Давлати Амири — **Шайх Ҳамад бин Ҳалифа ОЛ СОНИЙ**
Қирғизистон Республикаси Президенти — **Роза ОТУНБАЕВА**
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти — **Чионг Тан ШАНГ**
Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиуми Раиси — **Ким Ен НАМ**
Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби — **Кунио МИКУРИЯ**
МДҲ Ижроия қўмитаси Раиси — Ижро этувчи котиби — **Сергей ЛЕБЕДЕВ**
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби — **Муратбек ИМАНАЛИЕВ**
Коллектив хавфсизлик шартномаси Ташкилоти Бош котиби — **Николай БОРДЮЖА**
БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги Доимий мувофиқлаштирувчи вакили — **Анита НИРОДИ**
Корея Республикаси Миллий ассамблеяси депутати — **Ким Ёнг ГУ**
Франция савдо-саноат доиралари ҳаракати «МЕДЕФ Интернешнл» Вице-президенти, Бош директори — **Тьерри КУРТЕНЬ**
Сингапур менежментни ривожлантириш институти Бош котиби — **д-р Р.ТЕЙВЕНДРАН**
Марказий Осиё бўйича Кембриж Форуми раиси, Марказий ва Ички Осиё бўйича Британия Қўмитаси Фахрий котиби — **профессор Сиддхартх САКСЕНА**
Клавихо — Амир Темур номидаги Испания — Ўзбекистон дўстлик уюшмаси президенти, Ўзбекистон Республикасининг Мадриддаги Фахрий консули — **Сантьяго РУИС-МОРАЛЕС**
Осиё ва Ўрта ер денгизи мамлакатларини ўрганиш бўйича Италия институтининг Бош котиби — **Антонио ЛОКЕ**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Мустақиллик — энг олий неъмат!

Муродбек ЗИЁ олган сурат.

Ватанга муносиб фарзанд бўламан!

ЎзХДП Марказий Кенгаши Чилонзор туман партия кенгаши билан бирга байрам тадбири ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, пойтахтимиздаги қатор маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, электорат вакиллари, ёзувчи, шоир ва санъаткорлар иштирок этди. Байрам тадбирида кам таъминланган оилалар фарзандлари учун концерт дастури ташкил этилиб, совға-салом улашилди.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова. — «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кенгайтириш, давлат ва жамият бошқарувида мавқеини мустаҳкамлашга доир долзарб вазифалар белгиланган. Бунинг амалга ошиши кўп жиҳатдан ҳар биримизнинг фаоллигимизга боғлиқ. Фракциямиз аъзолари маҳаллаларда ўтаётган тадбирларда шунга алоҳида аҳамият бермоқда.

— Бугун қайси соҳада бўлмасин, кенг имконият яратиб қўйилган, биз шундан муносиб равишда фойдаланишимиз керак, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши ходими Меҳрож Дархонов. — Партиямиз ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, шу орқали кишиларимиз фаоллигини оширишга ҳаракат қилаяпти. «Мустақиллик: ривожланиш ва тараққиёт одимлари» лойиҳаси доирасида ўтказилаётган анжуманларда Ватанимиз Мустақиллигини мустаҳкамлашда ҳар биримизнинг фидойилигимиз муҳим ўрин тутади, деган ғоятга алоҳида аҳамият қаратдик.

— Бугунги тадбирда бир неча маҳалла аҳли иштирок этди, — дейди Чилонзор туман партия кенгаши раиси Раъно Маматова. — Концерт дастури, айниқса, болаларга манзур бўлди. Бу уларнинг юзидаги қувонч, кўзидаги табассумида акс этди.

— Мен байрамда «Сарвиноз» рақсини ижро этдим, — дейди 12 ёшли Саодат Музаффарова. — Мен рақсдан ташқари, китоб ўқиш ва тил ўрганишга қизиқаман. Кўп тилларда гаплашишни орзу қиламан.

Байрам тадбирида Тошкент шаҳар Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари ҳомийлигида кичкинтой ўғил-қизларга совға-салом улашилди. Имконияти чекланган болаларга ногиронлик аравачалари тақдим этилди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муносабат

Эртанги кун масъулияти

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Ислом Каримов халқимизга йўллаган табрикни тинглаб, истиқлол йилларида барча соҳадаги ислоҳотлар узоқни кўзлаб амалга оширилганига яна бир бор амин бўлдик. Дарҳақиқат, халқимиз эртасини ўйлаб, тўғри танланган йўл мамлакатимизнинг тарихан қисқа давр ичида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, таъбир жоиз бўлса, ўз сўзини топишига имкон яратди. Бугун юртимиз нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, кўплаб мамлакатлар Ўзбекистонни ишончли ҳамкор сифатида эътироф этмоқда.

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти ривожланиши учун кенг имконият яратиб берилгани қўлга киритилаётган улкан ютуқларимизнинг асосий омили бўлмоқда. Хусусан, кўппартиявийликни мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун халқаро демократик андозаларга мувофиқ қонунчилик базасини яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу эса турли ижтимоий қатламлар манфаатлари ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маърифий соҳаларда кенг ифода этилишига шароит туғдирмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари давлат ва маҳаллий ривожланиш дастурлари ижросини таъминлаш жараёнида бевосита иштирок этиши учун зарур ҳуқуқий асос яратилган.

Бугун мамлакатимизнинг келгуси ютуқлари, юртимизда ҳаёт фаровонлиги янада ошиши ҳар биримизнинг меҳнатимизга боғлиқ эканини чуқур англашимиз, шунга яраша фидойилик кўрсатишимиз керак.

Мастура САЙФУТДИНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз факт ва рақамларда

Ўзбекистон Республикасини мустақиллик йилларида иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари тўғрисидаги статистик тўплам чоп этилди

⇨ 2

Соғлом ва холис танқид жамиятга фойда келтиради

ЎзЛиДеП вакиллари эса буни ҳануз англаб етмаган кўринади

➔ 2

Самарқандда навбатдаги жаҳон мусиқа байрами якунланди!

⇨ 3

Футбол бўйича 2014 йили Бразилияда бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати Осиё минтақаси учинчи босқич саралаш учрашувлари бошланди.

Дастлабки ғалаба

Унда мусобақанинг «С» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Турсунзода шаҳрида Тожикистон футболчилари меҳмони бўлди.

Ниҳоятда шиддатли ва ҳужумкор руҳда кечган мазкур ўйинда Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги ҳамюртларимиз дастлабки ғалабани қўлга киритди — 0:1. Ягона гол ҳужумчимиз Максим Шацких ҳисобига ёзилди.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Япония — КХДР терма жамоалари куч синашди — 1:0.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!
Обуна индекси — 220

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз факт ва рақамларда

Ўзбекистон Республикасини мустақиллик йилларида иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари тўғрисидаги статистик тўплам чоп этилди

Энг улуғ, энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида Давлат статистика қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари» статистик тўпламини нашрдан чиқарди.

Мазкур тўпламда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти ислоҳотларини амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш натижалари атрофлича таҳлил қилиниб, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизация қилиш борасидаги энг муҳим ютуқлар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов китобхонларга мурожаатида, шу йиллар давомида босиб ўтилган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, Ўзбекистонни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш бўйича эришилган марралар ва натижаларни холисона баҳолаш, мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки кунларида қандай аҳволда бўлгани, иқтисодиётимиз ривожи ва халқимизнинг турмуш даражаси қандай суръатлар билан ошиб борганига танқидий назар ташлаш зарурлигини таъкидлайди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш суръатлари — иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга оширишдан иборат беш машҳур тамойилга асосланган марказлаштирилган-режали бозор иқтисодиётидан ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича «Ўзбек модели»нинг нечоғли самарадорлиги, тўғрилиги ва ҳаётийлигини яққол намоён этди.

Тўпламда аниқ кўрсаткич ва фактлар воситасида йигирма йиллик мустақил ривожланиш даврида қанча қийинчиликлар, муаммолар, таҳдид ва синовларни енгиб ўтишга тўғри келганига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодиётда изчил ўсиш суръатлари ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли ҳаёт сифати ва даражасини ошириш бўйича кенг кўламли ва бир-бири билан ўзаро боғлиқ туб ўзгаришлар ҳаётга изчил татбиқ этилгани аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Бу ўринда йигирма йил мобайнида республика ялпи ички маҳсулоти харид қилиш қобилияти бўйича 3,4 баробар, яъни 27,1 миллиард доллардан 92,3 миллиард долларга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 3 баробар ошганини айтиб ўтиш кифоя.

Тўпламда республикамизнинг етакчи тармоқлари ва умуман иқтисодиётини ривожлантириш тенденциялари, унинг таркиби ва бошқарув тизимидаги сифат ўзгаришлари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган. Мустақиллик йилларида тизимли таркибий туб ўзгаришларнинг изчил амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти бир ёқлама, асосан хомашё етказиб бериш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига йўналтирилган мамлакатдан иқтисодиётнинг замонавий индустриал сектори, юқори технологияли тармоқлар ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш алоҳида ўрин тутадиган, диверсификациялашган ишлаб чиқариш тузилмасига эга давлатга айланди.

Шу давр мобайнида ялпи ички маҳсулот таркибида саноат улуши 17 фоиздан 24 фоизга, хизматлар улуши 34 фоиздан 49 фоизга ошди. Автомобилсозлик, нефть-газ-кимё, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби янги иқтисодиёт тармоқлари ташкил қилинди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркибида чуқур ислоҳотларнинг амалга оширилиши, ердан фойдаланишнинг ижара шаклига асосланган бозор муносабатларига ўтиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг замонавий инфратузилмасини ташкил этиш ғалла мустақиллигига эришиш ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши умумий ҳажмини 1,8 баробар ошириш имконини берди. Натижада истиқлол йилларида барқарор пахта етиштиришни таъминлаш билан бир вақтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркибида пахтанинг улуши 47,7 фоиздан 11,1 фоизга камайди, ғалла етиштириш ҳажми 3,7, гўшт етиштириш 1,9 баробар ўсди.

Тўпламда истиқлол йилларида Ўзбекистонда мутлақо янги банк-молия тизими яратилгани акс эттирилган. Солиқ юкини изчил камайтириш, эркин тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга қаратилган солиқ сиёсатининг амалга оширилиши 2005 йилдан бошлаб дефицитсиз давлат бюджетини шакллантиришни таъминлаш билан бирга иқтисодиётни барқарор ва жадал ривожлантириш, хўжалик субъектлари даромадини ошириш ҳамда уларнинг инвестиция жараёнида фаол иштирок этишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Шу йиллар мобайнида кўплаб солиқ ставкалари 1,5-2 баробарга камайтирилди, давлат бюджети таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун сарфланадиган харажатлар улуши мустақиллик йилларида 31,5 фоиздан 59 фоизгача кўпайди.

Тўпламда мамлакатимиз банк тизимини ривожлантириш бўйича келтирилган кўрсаткичлар йигирма йил ичида кенг тармоқли тижорат банклари ташкил этилгани, уларнинг капитали ва ресурс базаси узлуксиз кўпайиб бораётгани, инвестиция фаолиятида банк тизимининг иштироки кенгаяётгани, аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортаётгани натижасида банкларда депозитлар ўсаётганидан ёрқин далолат беради. Айни пайтда барча кредитларнинг 75 фоиздан ортиғини янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил қилади. Ўзбекистон банкларига етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган барқарорлик рейтинглари уларнинг юқори даражада молиявий мустаҳкамлигини тасдиқлайди.

Қулай инвестиция муҳитини яратиш ва фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилига айланди. Бу эса, ўз навбатида, истиқлол йилларида ҳар йили ўзлаштирилаётган капитал қўйилмалар ҳажмини 11,6 баробар ошириш, молиялаш манбалари ва фойдаланиш йўналишлари бўйича уларнинг таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш имконини берди. 1990 йилда барча инвестицияларнинг 46,3 фоизини давлат бюджети маблағлари ташкил этган бўлса, 2010 йилда жами капитал қўйилмаларнинг 57,9 фоизини марказлаштирилмаган манбалар, 29,1 фоизини эса хорижий инвестициялар таъминлади. Бундан ташқари, шу давр мобайнида ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар 58,3 фоиздан 73,5 фоизгача кўпайди. Мустақиллик йилларида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газкимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Асака ва Самарқанд шаҳарларидаги автомобиль заводлари каби йирик саноат объектлари, автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарадиган хорижий инвестициялар иштирокидаги йигирмадан ортиқ корхона, ўнлаб замонавий тўқимачилик комплекслари ва кўплаб бошқа корхоналар фойдаланишга топширилди.

Тўпламга киритилган материалларда истиқлол йилларида республикамиз жаҳон хўжалик алоқалари тизимига босқичма-босқич боргани акс этган. Шуни унутмаслик керакки, сўнгги йигирма йил ичида жаҳон иқтисодиёти қатор таназзуллар, жумладан, 1997-1998 йиллардаги жаҳон молиявий инқирози, фонд ва товар бозорларидаги кўплаб кескин пасайишлар, шунингдек, 2008 йилда бошланган ва айни пайтгача давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бошдан кечирди. Бироқ ушбу мураккаб шароитларда ҳам бизнинг ёш иқтисодиётимиз ташқи таъсирларга нисбатан ўзининг мустаҳкамлиги ва барқарорлигини намойиш қилди, Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида ва аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда амалга оширилиши ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ҳамда экспортчи корхоналар рақобатбардошлигини ошириш учун янги имкониятлар яратди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси 27,1, шу жумладан, экспорт ҳажми 29,6 баробар ошди, шу давр ичида ташқи савдо айланмаси ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6 фоиздан 56,1 фоизгача ўсди. Ўзбекистон асосан хомашё етказиб бериб, тайёр маҳсулот олиб келинадиган мамлакатдан ишлаб чиқаришларни техник ва технологик модернизация қилиш учун мўлжалланган юқори технологик асбоб-ускуналарни четдан олиб келиб, экспортга юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар чиқарадиган давлатга айланди.

Тўпламда келтирилган мустақиллик йилларида республикани иқтисодий ривожлантириш суръатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларида илгари сурилган ва бозор иқтисодиётининг асоси ҳисобланган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаб берган хусусий мулк тузилмасидаги туб ўзгаришлар мамлакат иқтисодий салоҳиятини очиб бериш, аҳоли кенг қатламларининг иқтисодий фаоллигини оширишда муҳим омил бўлди. Кенг кўламли хусусийлаштириш жараёнининг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётнинг нодавлат сектори ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришда, иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллади. Ялпи ички маҳсулотнинг 52,5 фоизини ишлаб чиқараётган ва жадал ривожланиб бораётган кичик бизнес ҳақли равишда мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришда етакчи роль ўйнамоқда.

Тўпламда келтирилган статистик кўрсаткичлар, рақам ва фактлар таҳлили ижтимоий соҳа, аҳолининг ўртача умр кўриши ва турмуш даражасидаги ижобий ўзгаришлар истиқлол йилларида мамлакатимизни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама пухта ҳамда чуқур ўйланган дастурни амалга ошириш самаралари эканини ифодалайди.

Мустақиллик йилларида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, соғлиқни сақлаш тизимини комплекс ислоҳ қилиш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли чоратадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳолининг ўртача умр кўриши 67,2 ёшдан 73,1 ёшга узайди, оналар ва чақалоқлар ўлимининг барқарор равишда уч баравардан ортиқ камайишига эришилди.

Шу даврда аҳоли жон бошига реал пул даромадларини, аввало, хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар эвазига 3,7 баробар ошириш таъминланди. Айни пайтда хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар аҳоли умумий даромадининг 47 фоизини ташкил этмоқда. Даромадларнинг ошиши билан бир қаторда аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй берди, жон бошига ўртача гўшт, сут, сабзавотлар, картошка, мевалар каби муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кўпайди. Сифатли ноозиқ-овқат товарларидан фойдаланиш, айниқса, мураккаб маиший техника, компьютерлар, автомобиллар, шунингдек, турли хизматлар билан таъминланганлик даражаси ҳам ўсди. Бунга ўтган йиллар давомида кенг турдаги истеъмол товарларини ўзимизда ишлаб чиқариш ва маиший хизматларни ташкил этиш, яъни уларни тегишли равишда 4,7 ва 8,3 баробарга ошириш ҳисобига эришилди.

Мустақиллик йилларида таълим тизимини тубдан модернизация қилиш имконини берган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишига айланди. 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш, 1,5 мингдан ортиқ касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни барпо этиш иқтисодиёт тармоқлари учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминламоқда.

Тўпламда истиқлол йилларида қўлга киритилган якунлар ва натижалар таҳлили билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2011-2015 йилларда республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда прогноз кўрсаткичлари ҳам батафсил баён этилгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиётимизни жадал ва мувозанатли ривожлантиришни таъминлаш, чуқур таркибий туб ўзгаришларни, иқтисодиёт етакчи тармоқларини модернизация ҳамда диверсификация қилишни давом эттириш, бизнес юритиш учун янада қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, юқори қўшимча қийматга эга юқори технологик, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, аввалambор, мамлакатимиздаги мавжуд табиий ресурсларни чуқур қайта ишлаш ҳамда иқтисодиётимизнинг рақобат борасидаги бошқа устунликларидан фойдаланиш асосида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш Ўзбекистонни замонавий тараққий эттиришнинг стратегик устувор йўналишлари ҳисобланади.

2011-2015 йилларда жами инвестиция ҳажми 77,4 миллиард доллар бўлган саноат, инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш бўйича қабул қилинган тўртта бир-бири билан ўзаро боғлиқ стратегик дастурнинг амалга оширилиши, банк-молия тизимини ислоҳ қилиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади ва ялпи ички маҳсулотни 1,5 баробар кўпайтиришни таъминлайди.

Иқтисодиётда таркибий туб ўзгаришларни фаол давом эттириш яқин йилларда ялпи ички маҳсулот таркибида саноат улушини, биринчи навбатда, энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика, замонавий қурилиш ҳамда пардозлаш материаллари ишлаб чиқариш каби устувор тармоқларни ривожлантириш ҳисобига 24 фоиздан 28 фоизга оширш имконини беради. Бундан ташқари, келгуси йилларда ижтимоий соҳа ва хизмат кўрсатиш сектори янада равнақ топади, инфратузилма лойиҳалари амалга оширилиб, турар-жой объектлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилади.

Тўпламда қайд этилганидек, кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш, мавжуд ресурслар ва имкониятларни жалб этиш, ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, аҳоли ҳаёт сифати ва жами даромадини босқичма-босқич кўпайтириб бориш, пировард натижада, ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадимизга эришиш — иқтисодий жиҳатдан ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш ҳамда жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчилари, илмий-тадқиқот институтлари иштирокида тайёрланган ушбу тўплам, биринчи навбатда, ёшларда, яъни касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларида катта қизиқиш уйғотиши, кенг доирадаги мутахассислар, олимлар, ўқитувчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари учун фойдали қўлланма бўлиши шубҳасиз. **(ЎзА)**

Соғлом ва холис танқид жамиятга фойда келтиради

ЎзЛиДеП вакиллари эса буни ҳануз англаб етмаган кўринади

Ҳар бир жамиятдаги демократик жараёнларни кўппартиявийликсиз ва партиялараро баҳс-мунозарасиз тасаввур этиш қийин. Ўзаро сиёсий мулоқот, мунозара сиёсий партияларни ҳушёр торттиради, жонлантиради, жамият тараққиётидаги таъсир кучини оширади. Аммо баҳс-мунозара асосли, холис бўлсагина фойда келтиради. Афсуски, айрим партиялар нашларида саёз, сунъий баҳсларга мойиллик тобора кучайиб бормоқда. Бундай йўл ҳеч кимнинг манфаатига хизмат қилмайди. Аксинча, одамларни чалғитади, сиёсий партиялар обрўсига путур етказади.

Бунга ЎзЛиДеП нашридан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айтадиган гап тополмаганиданми, сўз айтиш масъулиятини чуқур англамаётганиданми, бу газетада нохолис, юзаки даъволар билан чиқишлар одатга айланиб бормоқда.

Яқинда либераллар ЎзХДПга нисбатан яна бир асоссиз, тўғрироғи, мантиқсиз иддаони кўтаришди. Уларнинг фикрича, гўё ЎзХДП шу пайтгача кичик бизнес ва тадбиркорликка, либераллаштириш ғоясига қарши бўлган, мана, энди ниҳоят тушуниб етиб, либераллаштириш ғоясини қўллаб-қувватлаётган, яъни «либераллашаётган» эмиш.

ЎзЛиДеП вакилларида бундай «ноёб» фикр қаердан пайдо бўлди?

Гап шундаки, 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилиниши муносабати билан ЎзХДП ўз электорати манфаатидан келиб чиқиб, тегишли ҳаракат дастурини қабул қилган эди.

Бунга бир мисол сифатида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ЎзХДП Марказий Кенгаши, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий банк ҳамкорлигида ташкил этилаётган «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш имкониятлари» мавзусидаги иқтисодий форумни эслаш кифоя. Вилоятларда ўтказилаётган бу тадбирларда ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган электорат вакилларига имтиёзли кредит олиш имкони яратилмоқда, уларга юридик маслаҳатлар берилмоқда. Натижада янги иш ўринлари яратилмоқда ва биз бундан манфаатдормиз. Демак, ЎзХДП бу масала билан шуғулланиши керак бўлган ЎзЛиДеПдан ҳаракат кутиб ўтирмай, ўзи амалий иш билан шуғулланмоқда. Қолаверса, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга масъулмиз, дея катта гапираётган либераллар бу йил яратилган имкониятдан фойдаланиб, бирорта аниқ ташаббус билан чиққанини кўрмадик. Ўзи ташаббус кўрсатмаса, янги бирон ишга қўл урмаса, бунинг устига ЎзХДП олиб бораётган, кўпчилик эътироф этаётган тадбирларни кўриб, «ХДП либераллашмоқда», дея иддао қилса, буни қандай тушунмоқ керак?..

ЎзЛиДеП нашрининг 25 август сонида «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деган мақола чоп этилди. Унда муаллиф ЎзХДПнинг Қашқадарё вилояти маҳаллий кенгашларидаги фаолиятини танқид қилди-ю, аммо ЎзЛиДеПнинг туман ва шаҳар Кенгашлари фаолияти ҳақида лом-мим демайди. Чунки вилоят Кенгаши сессияларига ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи томонидан йил бошидан бери бирон-бир масала муҳокамага киритилмаган. Ҳолбуки, ЎзЛиДеП нашрининг 2011 йил 13 январь сонида Қ.Сайдалиевнинг «Парламент Қашқадарёни эшитди» номли мақоласи эълон қилинган эди. «...бундан ташқари, — деб ёзади унда муаллиф, — маҳаллий кенгашлардаги депутатлар корпусининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган муаммоларни сессиялар кун тартибига олиб чиқмаётгани ҳам камчиликларни бартараф этиш жараёнини секинлаштирмоқда». Эътибор беринг, орадан 8 ой ўтди...

Бир сўз билан айтганда, муаллифнинг ушбу енгил-елпи, олди-қочди мақоласи кишида таажжуб уйғотади.

Анвар БОЙҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Бугун замон шиддат билан олға интилаяпти. Агар биз «либераллар қачон ўз электорати олдидаги муаммоларни ва уларнинг ечимини ҳал қилар экан», деб кутиб ўтирсак, шундоқ ҳам мудроқ уйқудан уйғонмаган либераллардан фарқимиз бўлмай қолади. Бизнинг тадбирларимиз самара бераётган экан, бунинг нимаси ёмон? Биз ўз электоратимиз ижтимоий турмуши ривожланиши тарафдоримиз, улар қанча тараққий этса, шунча кўп иш ўринлари яратилади, иш ҳақларининг салмоғи шунга яраша ошади.

Дилбар ХОЛИҚОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мақолада Ўзбекистон ХДП «либераллашаётган партия» деб тилга олиниши одамни таажжублантиради. Наҳотки, либерал партиянинг вакиллари, жумладан, мақола муаллифи, мамлакатимизда амалга оширилган демократик ислоҳотлар натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами сони тобора камайиб бораётганини кўрмаётган бўлса? 2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши ва Давлат дастурининг босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши натижасида бугунги кунда уларнинг сони янада камайиб бораётганини кузатиш мумкин. Табиий савол туғилади: Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик бирлашмалари билан бирга кичик бизнесни ривожлантиришга оид масалаларни ҳал қилишга ёрдам бераётган бўлса, ЎзЛиДеП бундан нега ажабланмоқда? Ахир бу янги иш ўринлари яратиш, шу орқали аҳоли бандлигини, унинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашнинг устувор йўналиши-ку!

Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мен қашқадарёлик бўлганим учун бу мақолани ўқиб, ҳайрон қолдим. Назаримда, мақола муаллифи минтақада мустақиллик йилларида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларидан бехабар. Қолаверса, қайси даражадаги депутат бўлишидан қатъи назар, унинг қайси доимий комиссия аъзоси эканини билмаслиги уйдирмадан бошқа нарса эмас. Муаллиф бундай бўлар-бўлмас гаплар билан барчани чалғитиш, тирноқ остидан кир қидириш ўрнига, эътиборни жойлардаги мавжуд камчилик ва фойдаланилмаган имкониятларга қаратса, маҳаллий Кенгаш депутатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ижросидаги иштирокини қандай қилиб фаоллаштириш ҳақида таклиф билдирса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Афсуски, мақола муаллифи майда гапдан нарига ўта олмаган...

Хулоса шуки, эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шартларидан бири сиёсий партияларнинг фаоллиги ҳисобланади. Соғлом сиёсий баҳс партиялараро рақобатни кучайтиради. ЎзЛиДеП танлаган танқид усули эса ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойда келтирмайди.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
Алишер РАВШАНОВ.

Самарқандда навбатдаги жаҳон мусиқа байрами якунланди!

2011 йил, 30 август. Соат 19:00. Регистон майдони. Уфқдаги қуёшнинг алвон нурлари ранг-баранг кўринишда безатилган афсонавий саҳна ҳуснига ўзгача фусун бағишлаган. «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг тантанали ёпилиш маросими бошланди. Мамлакатимиз ва хорижлик нуфузли ҳайъат аъзолари қизғин беллашувларга бой бўлган бу сафарги танловда ўз халқи, мамлакати санъатининг энг ёрқин қирраларини намоён эта олган иштирокчилар номини эълон қилди.

«Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивалининг ғолиб ва совриндорлари билан танишинг:

Махсус соврин — «Боғ аро» гуруҳи, Ўзбекистон;

«Регистон» мухсус соврини — Хуршед Ибрагимов, Тожикистон;

«Самарқанд» номинацияси — Афғонистон санъат институти бадиий жамоаси;

«Ёрқин ижро» номинацияси — «Варси Брозерс» жамоаси, Ҳиндистон;

«Миллий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» номинацияси — «Дрор» гуруҳи, Исроил;

«Миллий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» номинацияси — «Хук Монгол», Мўғулистон;

ЮНЕСКОнинг махсус соврини — Живан Гаспарян, Арманистон;

ЮНЕСКОнинг махсус соврини — Илёс Арабов, Ўзбекистон;

ЮНЕСКОнинг «Гўзал овоз соҳибаси» махсус соврини — Назакет Теймурова, Озарбойжон;

Фахрли учинчи ўрин ва пул мукофоти — Огулбиби Реимова ва «Галкиныш» ансамбли, Туркманистон;

Фахрли учинчи ўрин ва пул мукофоти — «Чвенбуреби» гуруҳи, Грузия;

Фахрли учинчи ўрин ва пул мукофоти — Килема ва Талике, Мадагаскар;

Фахрли иккинчи ўрин ва пул мукофоти — «Овое меҳрибоне» гуруҳи, Эрон;

Фахрли иккинчи ўрин ва пул мукофоти — «Сато» гуруҳи, Ўзбекистон;

Фахрли иккинчи ўрин ва пул мукофоти — «Сато» гуруҳи, Ўзбекистон;

Фахрли иккинчи ўрин ва пул мукофоти — «Лидер» гуруҳи, Россия;

Фахрли биринчи ўрин ва пул мукофоти — «Айсва» гуруҳи, Литва;

Фахрли биринчи ўрин ва пул мукофоти — «Дунхуанг нью вордс» бадиий жамоаси, Хитой.

«Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивали Гран При соврини ва пул мукофоти — «Содо-Содо» гуруҳи, Жанубий Корея.

Биз фестиваль қатнашчилари фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

«Содо-Содо» гуруҳи аъзолари Жанубий Корея:

— Биз Самарқандни севамиз! Ҳозир жуда ҳам қаттиқ ҳаяжонланаяпмиз. Ўзимизнинг энг юксак санъатимизни кўрсатишга ҳаракат қилдик. Натижада Гран При соврини билан юртимизга қайтадиган бўлдик. Ташкилотчиларга, самарқандликларга ўз ташаккуримизни билдирамиз.

Бумеио Хухело, Чехия:

— «Шарқ тароналари» Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилиб келинмоқда. Шундай санъатсевар раҳбарингиз борлигидан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди. Ўзбекистонликларга анжуман давомида бизга кўрсатган меҳмондўстликлари, ғамхўрликлари учун раҳмат айтаман. Афсонавий Самарқандга яна келишдан умидворман.

«Чвенбуреби» гуруҳи аъзолари, Грузия:

— Биз учинчи ўринни қўлга киритганимиздан хурсандмиз. Халқаро ҳакамлар ҳайъатига раҳмат, шунча давлатдан келган кучли иштирокчилар орасидан бизни танлашди. Ушбу қадимий шаҳарда ўтган кунларимизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Килема ва Талике, Мадагаскар:

— Шундай нуфузли танловда совриндор бўлганимиздан беҳад шодмиз. Фестивалга узоқ вақт тайёргарлик кўрдик ва бугун ўша меҳнатларимиз эвазига мукофотландик. Ўзбек халқига бизга кўрсатган юксак эътибори учун раҳмат айтмоқчимиз. Самарқанд бизнинг қалбимизда абадий қолади. Биз уни ҳамиша эслатиб турувчи «Шарқ тароналари» сертификатини ва ўчмас оҳангларини олиб кетяпмиз.

«Овое меҳрибоне» гуруҳи аъзолари, Эрон:

— Ҳозир бизни чексиз ҳаяжон ва хурсандчилик чулғаб олди. Совриндор бўлишингизни кутасиз, лекин ўша дақиқа келганда барибир инсон ўз ҳиссиётларини яшириши қийин. Ўзбекистон ҳукуматига, самарқандликларга ва бизни танлашгани учун халқаро ҳакамлар ҳайъатига миннатдорчилик билдирамиз.

Руслан Жумабоев, Қирғизистон:

— Ўзбек қардошларимизга раҳмат, шундай ажойиб мусиқа байрамини ташкил этишди ва уни мунтазам равишда ўтказиб келишмоқда. Фестивалда мукофот учун курашгандик. Бу сафар омадимиз келмади. Ўйлайманки, яна икки йилдан кейин бўладиган фестивалда Қирғизистон вакиллари ҳам яхши қатнашадилар.

«Варси брозерс» гуруҳи аъзолари, Ҳиндистон:

— «Шарқ тароналари»дек юксак мавқега эга фестивалда совриндор бўлганимиздан хурсандмиз. Юртимизга ёруғ юз билан қайтаяпмиз. Биз ҳинд мусиқа санъатининг энг ёрқин намуналарини тақдим этишга ҳаракат қилдик. Чиқишларимиз самарқандликларга ва ҳакамлар ҳайъатига ёққанидан хурсандмиз. Фестивалда кучли санъаткорлар иштирок этишди ва уларнинг ҳаммаси совриндор бўлишга лойиқ эди. Совриндорлар орасида бор эканимиздан шодмиз.

«Дунхуанг нью вордс» гуруҳи аъзолари, Хитой:

— Ўзбекистонга келганимиздан, жаҳон цивилизациясининг дурдоналаридан бири бўлмиш Самарқандни томоша қилганимиздан, «Шарқ тароналари»да иштирок этганимиздан ва биринчи ўринни қўлга киритганимиздан хурсандлигимизнинг чеки йўқ! Бизни ажойиб тарзда кутиб олишди, бу каби меҳмондўстликни ҳеч жойда кўрмагандик. «Афросиёб» меҳмонхонасида яратилган шароит, бизга кўрсатилган эътибор, маданий тадбирлар ўзбек халқи чинакам меҳмондўст ва санъатсеварлигини яна бир бор исботлади. Ушбу ҳаяжонли дақиқаларни умрбод эслаб юрамиз.

Огулбиби Реимова, Туркманистон:

— Мен «Шарқ тароналари»дек нуфузли фестивалнинг ғолиблари қаторида турганимдан бениҳоя хурсандман. Халқаро фестивалларда иштирок этар экансан, ўзинг учун янги маданиятларни кашф этасан, янги дўстлар топасан, тажриба ва ғоялар алмашасан. «Шарқ тароналари» турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни йўлга қўйишдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Назакет Теймурова, Озарбойжон:

— Озарбойжон мусиқа усталари доимий равишда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиб келади. Ўзим фестивалда илк бор қатнашаяпман. Дастлаб фестивалнинг бунчалик катта миқёсда бўлишини ўйламагандим. Анжуман кутганимиздан ҳам юқори савияда бўлиб ўтди. Самарқанд жуда чиройли шаҳар экан. Регистон майдонида қўшиқ куйлаш ҳар қандай хонандага фахр бағишлайди.

«Ордо» гуруҳи аъзолари, Исроил:

— Биз Самарқандда бахтли онларни бошимиздан ўтказдик. Ҳозир ҳаяжондан ички кечинмаларимизни таърифлашимиз қийин. Фестиваль жуда ажойиб бўлди. Кўплаб давлат вакиллари иштирок этадиган бу каби нуфузли фестиваль халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик туйғуларини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон ва жаҳондаги барча миллат вакилларига тинчлик ёр бўлишини тилаймиз. Биз Самарқандни севиб қолдик ва умид қиламизки яна бу ерга келамиз.

«Лидер» гуруҳи аъзолари, Россия:

— Таассуротларимиз бир олам. Регистон майдонидаги такрорланмас миллий қўшиқлар, Самарқандда ўтган бу ажойиб дамлар, меҳмондўстлик, ўзбекона таомлар, сархил мевалар, барча-барчаси юрагимизнинг туб-тубидан жой олди. Мана шундай кенг қамровли ва нуфузли фестивалда анъанавий рус мусиқа санъатини намойиш этганимиздан ҳамда совриндорлар сафидан ўрин олганимиздан бахтиёрмиз.

Раймондас Николайтис, «Айсва» гуруҳи, Литва:

— Ўзбекларнинг кўнгли очиқ, меҳмондўст халқ эканлигини билардик. Бироқ бизни бу қадар иззат-икром билан кутиб олишади деб ўйламагандик. Тўғриси, бу мусиқа байрами, ундан олган таассуротларимни ҳеч бир сўз билан ифодалай олмайман. Ишонинг, фестивалда ўтган ҳар бир дақиқа биз учун ҳаётимиздаги энг унутилмас лаҳзаларни тақдим этди. «Шарқ тароналари» миллат, тил ва дин танламайдиган мусиқа фестивали бўлгани учун дунёнинг турли бурчакларидан келган санъаткорлар, ғарбу Шарқ оҳанглари бир-бирлари билан дўстлашди.

Димитрий Тудуров, Болгария:

— Илгари Ўзбекистон ва Самарқанд ҳақида кўп маълумотга эга эмасдим. Мамлакатингизга келгач, уни бутунлай янгитдан кашф этдим. Қадимий обидалар, маданий ёдгорликлар, сўлим ва хушманзара боғлар, айниқса, таърифи йўқ Регистон худди эртаклардагидек. Ҳали бу қадар бой тарихга эга бўлган масканни кўрмаганман. Фестиваль ҳар бир иштирокчига ўз мамлакати санъати, маданияти ва урф-одатларини кўз-кўз этиш, бошқа миллатлар қадриятлари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Афғонистон санъат институти бадиий жамоаси аъзолари:

— Делегациямизнинг Самарқандга илк бор ташриф буюриши. Илгари бундай юксак савияда ташкил этилган мусиқа байрамини ҳеч қачон кўрмаганмиз. Энг муҳими, бу фестиваль дилларни дилларга, элларни элларга боғлаган санъат риштаси, маданиятлар ва цивилизациялар туташадиган олтин кўприкка айланди. Биз бугун дунё санъатида афғон мусиқасининг ҳам ўз ўрни борлигини исботладик.

«Хидден драгон» гуруҳи аъзолари, Япония:

— Ушбу танловга узоқ вақт тайёргарлик кўрдик. Биласизлар, япон халқи ўзининг асрий анъана ва қадриятлари, маданияти, санъатини асраб-авайлаш, уларни доимо бойитиб боришни ўзи учун муқаддас бурч деб билади. Шунинг учун бу мукофот нафақат бизнинг мусиқий гуруҳимиз, балки халқимиз, Ватанимиз санъатига берилган юксак баҳо деб биламиз. Биз олдимизга қўйган мақсадга эришганимиздан беҳад мамнунмиз.

Илёс Арабов, Ўзбекистон:

— Нуфузи, обрўси йилдан-йилга ўсиб бораётган фестивалда, етук санъат усталари иштирок этган беллашувда ЮНЕСКО ташкилотининг махсус совринига муносиб деб топилганимдан, ота-онам, устозларим ва Ватаним ишончини оқлаганимдан қалбим фахр-ифтихорга тўлди. Айниқса, мукофотни топшириш учун саҳнага таклиф қилишганида мухлислар олқишидан қалбим ларзага келди. Бундай рағбат биз каби ёшларга янги парвозлар учун қанот бағишлайди...

Ҳаяжонли дақиқалар. Дунёнинг турли бурчакларидан келган санъаткорларнинг бир-бирини табриклаётгани, бир-бирига самимий дил сўзларини изҳор қилаётганини кўриб мамлакатимиз раҳбарининг фестиваль очилиш тантанасида: **Ер юзидаги халқларни, тили, миллати, дини ва урф-одатидан қатъи назар, уларнинг барчасини бирлаштирадиган, аввалambor, ёш авлодимизнинг онги ва қалбида чуқур акс садо берадиган ғоят таъсирчан бир восита, кудратли бир куч борки, у ҳам бўлса, мусиқа, унинг оҳанг ва тароналари, мумтоз куй ва қўшиқлар, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади**, деб таъкидлаган сўзлари ёдимизга тушди.

Оқшом чоғи, Самарқанд узра юлдузлар шуъла сочган бир пайтда Регистон майдонида «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивалининг юлдузлари ҳам саҳна тўридан ўрин олди.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов ва Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

Темур АЪЗАМ,
Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

Обод манзиллар

Узун туманида бугун 150 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг асосий қисми ёшлардир.

— 2011 йилда туманимиз қишлоқларида тўртта янги мактаб қурилди, — дейди ***Узун туман халқ таълими фаолиятини услубий таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Ибодулло Хўжаев.*** *— Мавжуд 61 та мактаб ҳамда 21 та мактабгача таълим муассасалари эса реконструкция қилиниб, қайта таъмирланди. Қарийб 3 мингга яқин тажрибали устоз ва мураббийларимиз 24 минг нафарга яқин ўғил-қизларнинг етук инсонлар бўлиб вояга етишларида фидойилик намуналарини кўрсатишмоқда.*

— Туманимизда болалар спортини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунда ўнга яқин соғломлаштириш маскани, спорт майдончалари улар ихтиёрида, — дейди ***туман ҳокими, ЎзХДП аъзоси Насрулло Тилабов.*** *— Бундан кўзланган асосий мақсад соғлом авлодни вояга етказишдир.*

Бугунгача тумандаги мавжуд таълим масканлари замонавий компьютер ва бошқа жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Бу борадаги хайрли ишлар эса изчил давом этаётир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама ва эълонлар

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

Управление государственного таможенного комитета по городу Ташкенту

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: **Устройство забора из шлакоблоков, установка осветительных приборов и благоустройство территории Управления государственного таможенного комитета Р.Уз по г. Ташкенту по проспекту Бунёдкор, 35.**

Стартовая стоимость заказчика: — 230 312 418 сумов с учетом НДС, — 184 249 934 сума без учета НДС.

Срок завершения строительства — до 31 декабря 2011 года.

Заказчик: **Управление государственного таможенного комитета по городу Ташкенту.**

Финансирование осуществляется за счет собственных средств.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств; производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников, конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — **ООО «Экспертлойихаконсалтинг» по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22.**

Стоимость одного комплекта конкурсных документов — сто тысяч сумов.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу:

г. Ташкент, ул. Навои, 22,
тел. 8 (371) 241-37-50,
(+99897) 715-81-80.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов — ко дню и часу вскрытия оферт по нижеуказанному адресу:

г. Ташкент, ул. Навои, 22.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в здании Управления государственного таможенного комитета по адресу:

г. Ташкент, проспект Бунёдкор, 35.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 946
10439 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 01.05
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Asror MO`MINOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5